

МЕҲНАТ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА ЎҚУВЧИЛАРНИ МЕҲНАТГА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ВА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРЛАШ

Етмишева Дилором Ғуломовна.

ФВПКҚТМОИ ўқитувчиси

Ўзбекистон Республикаси ўзининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида янги сифат босқичига қадам қўйди. Бу давр мамлакат тараққиётини таъминловчи устувор соҳалардан бири кадрлар тайёрлаш тизими бўлиб, унинг асосини узлуксиз таълим ташкил этади.

Бугунги кунда педагогика фанида эришилаётган энг муҳим ютуқлардан бири ўқувчиларда умуммеҳнат кўникмаларини шакллантиришда таълим бериш имкониятларининг очилаётганлигидир. Бу ҳодиса таълимни гуманитарлаштириш нуқтаи назаридан ҳам алоҳида қимматга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асосий эътиборни педагог кадрларни тайёрлаш касб маданиятини такомиллаштириш, таълим сифатини кучайтириш, юқори малакали педагогларнинг маданий ва маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантириш, барча таълим муассасаларининг юқори малакали педагогик кадрлар билан тўлиқ таъминланишга қаратиб келмоқда. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонуни ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, “2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури”га биноан ўқитувчиларнинг касб маданиятларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиб, янада ривожлантириб бориш ишлари замон талаблари асосида амалга оширилиши керак.

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичи, меҳнатнинг характери ва мазмунига, инсонни ҳаётга тайёрлашга юксак талаблар қўяди. Замонавий маънавий баркамол инсон деган номга эга бўлиш учун ғоявий чиниққан, кенг сиёсий билим доирасига эга бўлган, ўз касбини мукаммал билган ўз ишига ижодий ёндошган, ақлий ва жисмоний меҳнатни гармоник бириктира билган киши бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам ёшларга меҳнат тарбиясини бериш, уларнинг ғоявий-ахлоқий ва шахс сифатида чиниқиши ишларини комплекс

ташкил этиш масаласи муҳим аҳамият касб этади.

Мактабдаги меҳнат таълимининг асосий вазифаси жамиятнинг ҳар томонлама ривожланган ўқувчиларни етиштириш, уларни меҳнатга ва меҳнат қилиш учун тарбиялашдир.

Умумий таълим ва касб-ҳунар таълимини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишларида меҳнат таълимининг аҳамияти ҳақида бундай дейилади: «Мактабдаги меҳнат тарбияси ва таълимининг мақсади меҳнатга муҳаббат ва меҳнат ахлига ҳурмат туйғусини сингдиришдан; ўқувчиларни ҳозирги замон саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, қурилиш, транспорт, хизмат кўрсатиш соҳалари асослари билан таништиришдан; ўқиш ва ижтимоий фойдали иш жараёнида уларда меҳнат кўникмалари ва маҳоратини ҳосил қилишдан; онгли равишда касб танлашга ва бошланғич ҳунар таълимини олишга ундашдан иборат».

Меҳнатга маънавий ва психологик тайёрлаш ўзининг реал базасига – яъни меҳнат ҳақидаги билим, кўникма ва амалий малакалар мажмуасига эга бўлиши керак. Агарда бола меҳнат қилишга ўргатилмаган бўлса, унинг учун меҳнат фаолияти мақбул машғулотга айланмайди, унда керакли ижобий эмоцияларни ва бошқа психологик кўринишларни келтириб чиқара олмайди.

Инсон ҳаётида меҳнат энг муҳим ирода ва ахлоқий сифатларнинг ривожланишига ёрдам беради. Меҳнат таълимида меҳнатга психологик тайёрлик, меҳнат фаолиятининг тўғри мотивлари тарбияланади, шахснинг ҳар бир онгли киши учун зарур бўлган сифатлари шаклланади. Дарсларнинг жиҳозланганлиги ўз меҳнати учун шахсий масъулиятни, меҳнат маданиятини тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир. Агарда болалар ёмон жиҳозланган синфда, қўпол, оғир ва ёшларига номувофиқ асбоблар билан шуғуллансалар, иш натижалари кўнгилдагидек бўлмайди. Бундай шароитда, табиийки, меҳнатга муҳаббатни, тартиблиликни, аниқликни, асбобларга эҳтиёткорона муносабатни тарбиялаш қийин бўлади.

Ўқувчиларда меҳнат маданиятининг таркиб топиши учун дарсларда доимо уларнинг эътиборини асбоб ва материалларни сақлаш қондаси ҳамда

жойлаштириш тартибига, иш жойини тўғри жиҳозлашга, материаллардан тежамкорлик билан фойдаланиш усулларига, иш ҳаракатлари меъёри ва суръатига иш сифатини таъминловчи тадбирларга, ишлов беришда олинган аниқлик ва тозаликка риоя қилишга ва ниҳоят, нарсани чиройли қилиб безашга жалб қилиб бориш керак. Бунда меҳнат таълими ўқитувчиларига муайян талаблар қўйилади.

Меҳнат таълими ўқитувчисининг педагогик маданияти юксак даражадаги ишлаб чиқариш ва илғор технологик тажрибага асосланади ҳамда бу маълум даражада ўқитувчиларнинг ушбу тоифаларини сақлаб қолиш кафолатини беради. Шунингдек, амалиёт ва таълим муассасаси оралиғида ўқитувчининг катнашиши билан боғлиқ бўлган асосий карама-қаршиликларнинг ечимини таъминлайди. Шунинг учун у ўқитувчи, тарбиячи ва бўлғуси мутахассислар шахсининг мураккаб ижтимоий тавсифини ифодалайди. Фан ўқитувчисидан фарқли тарзда ишлаб чиқариш устаси ўз умрини ушбу касб билан боғлаган бўлади.

Меҳнат таълими ва касбга тайёрлаш вазифалари бошланғич мактабда бутун таълим-тарбия системаси ҳамда барча ўқув предметлари ёрдамида ҳал этилади. Бу ўринда меҳнат дарслари етакчи роль ўйнайди.

Мактабда мунтазам меҳнат таълимининг бошланғич босқичи бошланғич синфлардаги меҳнат дарслари ҳамда кичик мактаб ёшидаги болаларнинг кўлидан келадиган ижтимоий фойдали ишдир.

Бошланғич мактабдаги меҳнат таълимининг асосий вазифалари миллий тарбиянинг мақсад ва вазифалари томонидан белгиланиб, у меҳнатга ахлоқий ва психологик тайёрлаш, ўқувчиларни бошланғич меҳнат кўникма ва малакалари билан қуроллантириш, меҳнатга амалий тайёрлаш, ўқувчиларни меҳнат таълими жараёнида ҳар томонлама камол топтириш кабилардан таркиб топади.

Ўқувчиларни меҳнатга ахлоқий тайёрлаш. Меҳнатга ахлоқий тайёрлаш деганда энг аввало меҳнатга муносабатни шакллантириш тушунилади.

Агарда бошланғич синфлар ўқувчиларига татбиқан гапирадиган бўлсак, уларнинг бу ёшидан меҳнатни севиш, шу меҳнат натижаларига ҳурмат билан ёндашишлари назарда тутилади. Меҳнатга муносабат шу меҳнатнинг муҳимлиги ва зарурлигини тушуниш, бундай меҳнатда жонбозлик кўрсатиш, ишга шахсан масъулиятни ҳис қилган ҳолда ёндашиш ижтимоий мулкка тежамкорлик билан муносабатда бўлишни англатади. Меҳнатга психологик тайёрлаш турли психологик жараёнларни ривожлантириш ва такомиллаштиришни назарда тутди. Булар сезиб англаш, психомотор, эмоционал-идрок, диққат, хотира, тафаккур ва шу каби процесслардир. Бошқача қилиб айтганда, улар меҳнатнинг психологик компонентлари дейилади.

Меҳнатга психологик тайёрлаш. Меҳнатга психологик тайёрлаш мураккаб, узоқ давом этувчи ва кўп қиррали жараён бўлиб, у бутун меҳнат таълими ва тарбияга сингиб кетгандир. У гарчи ўзига хос хусусиятларга эга бўлса-да, меҳнатга ахлоқий тайёрлашга жуда яқиндир. Болани меҳнатга психологик тайёрлаш — бу унда меҳнатга нисбатан унинг ёшига мувофиқ келувчи онгли ва ижобий муносабатларни таркиб топтириш, унда амалий малака ва кўникмаларни эгаллашга қизиқишни шакллантириш демакдир. Ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларга ёшлигидан бошлаб меҳнат — бу ҳар бир шахснинг виждони ва бурчи эканлигини, инсон ўз меҳнати билан фахрланишини, фақат Ватан равнақи ва халқ фарофонлиги йўлида қилинган меҳнатдагина инсоннинг энг яхши сифатлари ривожланиши ҳамда такомиллашиши мумкинлигини англашларига ёрдам беришдир. Ўқувчиларнинг меҳнатга қобилияти — ҳар бир киши жамиятнинг ҳаёти ва фаолияти, унинг фаровонлиги учун зарур бўлган воситаларни ишлаб чиқаришда қатнашиши зарурлигини англашлари жуда муҳимдир. Шунингдек, ўқувчилар жамиятда киши меҳнатсиз яшай олмаслигини ҳам уқиб олишлари керак.